



## ТАЪЛИМ ОЛИШГА МОТИВАЦИЯ ШАКЛАНГАНЛИГИНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

**Маҳмуджонов Асрор**

*Қўқон давлат педагогика институтини ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган кучли мотивациясини ошириши учун турли шакл ва мазмунга эга бўлган вазиятлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги, бунинг учун ҳар бир босқичда муайян вазифалар қўйилиб, уларни ечиши усуллари белгилаб берилиши кераклиги ёритиб берилган.*

**Калит қўзлар:** *ўқитувчи, ўқувчи, фаолият, таълим, кадрият, мотивация, ўқув жараёни, даража*

Ўқувчиларнинг ижтимоийлашувлари ҳар бир даврда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларидаги муваффақиятларини таъминлайди. Ўқитувчи ўқувчиларни жамиятдан ажралмаган ҳолда ўзларининг муаммоларини ҳал қилишлари мумкинлигига ишонириши лозим. Баъзан ўқувчилар этник ва ташқи кўринишларидаги турли-туманликларга қараб ўз тенгдошлари томонидан камситилдилар ва яққаланиб қоладилар.

Фикрий-кадриятли ҳамда ҳиссий-аффектив компонентларнинг ўзаро бирлиги жараёнли қисмининг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда шаклланадиган таълим олишга нисбатан мотивациянинг уч даражасини аниқлаш имконини беради. Улар:

**Таълим олиш мотивациясининг қуйи даражаси** – ҳиссий даража; унинг ўзига хос хусусияти ўқувчиларнинг ҳиссий-аффектив ривожланишида намоён бўлади. Бундай ўқувчилар ўзларининг ҳис-туйғуларини яшира олмайдилар, уларда хулқ-атворнинг ихтиёрсиз қўзғалиши кузатилади. Бу каби ўқувчиларда фикрларни баён қилиш, хулқ-атвордаги англашилганлик вазиятли характер касб этади. Уларнинг ҳукмлари, илгари сурган фикрлар у қадар қатъий ва барқарор бўлмайди. Ўқувчиларнинг фаолиятларида кадриятларни англамаслик ва уларга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилади.

Ўқув жараёнида эса муваффақиятсизликлардан қочиш мотивлари устувор бўлади. Ўқитувчи томонидан жазолангандан кейин ўқувчилар ўз муваффақиятсизликларининг ташқи жиҳатларини изоҳлашга қийналадилар. Бундай вазиятда ўқувчиларда ўз-ўзидан қониқмаслик ҳисси пайдо бўлади. Ўзига ишонмаслик ўқув жараёнининг ташқи натижаларига барқарор муносабатда бўлмасликка олиб келади. Бу тоифадаги ўқувчиларнинг билимлари одатда юзаки ва тизимлашмаган характерга эга. Уларнинг назарий билимлари ҳаёт ва амалиёт билан жуда кам даражада боғланган, улар тайёр билимларни ўзлаштиришлари натижасида бундай ўқувчиларда вазиятларни таҳлил қилиш лаёқатлари паст даражада ривожланади.



Мазкур ўқувчилардаги фикрий жараёнлар чуқур мантикий асосга эга эмас. Ақлий фаолият эса муайян туртки асосида вужудга келади.

Фикрий-қадриятли муносабатларга эга бўлган ўқувчилар ўзларининг бевосита қизиқувчанликлари, ўқув фаолиятига нисбатан юқори даражадаги қизиқишларга эгаликлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг онгида фикрлар қадрият даражасига етмаган, балки тасодифий тарзда вужудга келган бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг қизиқишлари узоқ вақт давом этмайди. Бундай ўқувчиларнинг диққатларини ўқув фаолиятига жалб қилиш, иродаларини сафарбар этиш, билиш фаолиятини барқарор, ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш талаб этилади. Уларнинг билиш қизиқишлари ўткинчи характерга эга.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзларини намоён қилишлари паст даражада шаклланганлигининг сабабларидан бири – ўқув-тарбия жараёнининг улар шахсиятини шакллантириш билан боғлиқ жиҳатларига етарлича эътибор берилмаганлигидадир. Уларда ижтимоий фойдали фаолият тажрибаси моҳиятини англаш кўникмаси етарлича шаклланмаган. Ўқувчилар бундай фаолиятни ўзлари англамаган ҳолда муайян вазиятларда амалга оширадилар. Эркин танлов вазиятлари эса бундай ўқувчиларнинг бир-бирларига халақит беришларига олиб келади. Мазкур ўқувчилар ушбу ҳолатларда ўзларини йўқотиб қандай ҳаракат қилишни билмай қоладилар. Бу ўқувчилар мавқеининг пасайиши, уларда индивидуалликнинг етарлича шаклланмаслиги, шахсий мустақилликнинг ривожланмаслигига олиб келади. Бундай вазиятларда уларнинг синфдошлари билан ўзаро муносабат ўрнатишлари, бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Улар хулқ-атвори ва шахсиятининг намоён бўлиши одатда барқарор бўлмайди, уларнинг хатти-ҳаракатларини башорат ва таҳлил қилиш мураккабдир.

Одатда улар ўзларига жуда юқори баҳо берадилар. Бундай ўқувчилар томонидан қабул қилинган қарорлар яқунланмаган бўлиб, қўйилган мақсадлар амалга ошмайди. Натижада улар муваффақиятсизликлардан қочишга мойил бўладилар. Бундай вазиятларда муваффақият қозониш учун омиллар етарлича мавжуд бўлмайди. Бундай ўқувчиларнинг паст баҳолари уларнинг безовталанишлари, кўзғалишларига сабаб бўлиб, мазкур майлларнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишига боғлиқ. Бундай ўқувчилар ўз жамоаларида обрў-эътиборга эга бўлмайдилар, уларда мўлжалланган мақсадларни ўз имкониятлари билан қиёслаш кўникмаси шаклланмаган. Бу эса ўқув фаолиятига нисбатан салбий муносабатнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Улардаги ўзлари қизиқадиган ўқув предметлари бўйича эгаллаган билимларидан фойдаланиш, синфдошлар ибрати, мустақил фаолият кўникмаларининг эгалланиши, ўқув-тарбия жараёни муҳимлигини англаш имкониятининг мавжудлиги ўқувчилардаги таълим олишга бўлган кучли мотивация даражасининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига асос бўлади.

**Таълим олишга мотивация шаклланганлигининг ўрта даражаси – жараёнли даража;** бу ўринда ўқувчиларда кўпроқ даражада ҳис-туйғуларни кузатиш жараёни бошланади. Бундай вазиятларда ўқувчиларнинг ўз кечинмаларини бошқара олишлари



ниҳоятда зарур ҳисобланади. Шу аснода улар ўқув фаолияти билан боғлиқ кундалик мажбуриятларини бажаришга киришадилар. Натижада уларда ҳиссий ҳолатларнинг барқарорлиги ортади. Ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари педагогик жараёнларда ўзаро манфаатдорлик ҳамда суҳбатдошига ҳамдардлик ҳис-туйғулари вужудга келади.

Бундай ўқувчиларда ўқув жараёнига нисбатан баъзан ижобий, баъзан эса вазиятли муносабат шаклланади. Мазкур ўқувчилар ўз кучлари ва лаёқатларига тўлиқ ишонмайдилар. Уларга мунтазам тарзда назорат, қўллаб-қувватлаш ва ёрдам керак бўлади. Уларнинг муваффақиятлари ўқитувчилари ва ота-оналари томонидан мунтазам тарзда эътироф этилиши керак. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти юқори даражадаги кучли ва барқарор мотивлар билан тавсифланади. Ушбу майллар ўқувчиларнинг ички қизиқишларини шаклантиради ва чуқурлаштиради. Натижада уларда билиш фаолиятига нисбатан қадриятли-фикрий муносабат тажрибаси таркиб топади. Ўқувчиларда фикрлар асосида мунтазам тарзда қадриятларга амал қилиш тажрибаси шаклланади, улар ўзаро муносабатларнинг аҳамиятли жиҳатларини фарқлай бошлайдилар. Бу эса фикрий-қадриятли шаклланишнинг барқарорлигини таъминлайди. Бундай муносабат ўқувчиларнинг хулқ-атвори бошқарувчи омил даражасига кўтарилади. Натижада ўқувчилар босқичма-босқич ижтимоий қадриятларни англайдилар ва уларни тушуна бошлайдилар. Бундай муносабатлар вақт ўтиши билан уларнинг шахсий ишончи, мақсадлари ва идеалларига айланади.

Мазкур даражага эга бўлган ўқувчиларнинг лаёқатлари бир қатор алоқалар ва муносабатлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Улар ўқитувчи ёрдамида нарсалар, буюмлар ва моддий борлиқ ҳодисаларини таҳлил қилиш, ўқитувчилари билан ўзлари учун қулай бўлган вазиятларда қарорлар қабул қилиш, хулосалар ва умумлашмалар қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида мавжуд ҳодисаларни чуқурлаштириш имконини беради. Бундай ҳаракатларни ўқувчилар дастлаб ўқитувчилари ёрдамида кейинчалик эса ўзлари мустақил тарзда эгаллашга эришадилар.

Ўқув жараёнида ўз-ўзини намоён қилишга интилиш бу ўринда барқарор шаклланиш имконияти сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолат ўқувчиларнинг хулқ-атвори ва танлов имкониятининг англанганлигини ифодалайди. Бундай даражага эга бўлган ўқувчиларда шахсий мустақиллик асослари ҳамда ўзларини таълимий муносабатлар субъекти сифатида намоён қилиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ўқувчиларда барқарорликнинг шаклланганлиги топшириқларни бажариш жараёнидаги топқирликлари, табиий ҳаракат фаоллигининг ифодаланишида акс этади. Бундай ўқувчилар узоқ вақт мобайнида ўз диққатларини ўқув топшириқларини бажаришга қаратадилар. Бу жараёнда аксарият ўқувчилар тез-тез чарчаб қоладилар. Муайян ташқи эслатмалар бошланғич синф ўқувчиларининг ўз хулқ-атворларини назорат қилиш, дарсларда камроқ чалғишларига кўмаклашади. Бунинг натижасида уларда қандайдир ишларни қилиш, ўз режаларини амалга ошириш истаги пайдо



бўлади. Бу эса босқичма-босқич ўқувчининг шахс сифатида шаклланиши ва ижобий йўналган ҳаракатларининг ортиб боришига олиб келади.

Ўқув-билув фаолияти натижасида амалий тажрибанинг тўпланиши, ўқув жараёнида муваффақиятли натижаларни кўлга киритишга интилиш ўқувчиларни таълим олиш мотивациясини кучайтиришга кўмаклашади.

*Таълим олиш мотивацияси шаклланганлигининг юқори даражаси* – кадриятли-фикрий даража; бундай кўникмага эга бўлган ўқувчилар чуқур ўйланган ҳаракатларни амалга ошириш ва ҳукмлар чиқаришга мойил бўладилар. Улар ўзларининг сабр-бардошлиликлари, ҳис-туйғуларни англашлари, барқарор ҳиссий ҳолатга эгаликлари билан фарқланадилар. Бундай ўқувчилар оғир, вазмин ва хушфёъл бўладилар.

Юқори даражадаги ақлий ривожланиш турли тушунчалар орасида ўзаро алоқа ўрнатиш имконини беради. Интеллектуал жиҳатдан юқори даражага эришган ўқувчилар абстракциялаш, умумлаштириш усулларини осонгина ўзлаштириш билан бир қаторда, янги усуллар устида мустақил ишлаш лаёқатини ҳам эгаллайдилар. Бундай ўқувчиларда натижаларни башорат қилиш ва олдиндан пайқаш сифатлари мавжуд бўлади.

Ўқувчиларда кадриятли-фикрий муносабатлар ифодаланишининг юқори даражаси – ўқув жараёнига нисбатан кучли қизиқишнинг намоён бўлишидир. Мазкур қизиқиш ҳар доим ижтимоий муносабатлар жараёнида мукамал билиш фаолияти сифатида намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, ўзаро алоқалар даражасида фикр алмашилиш имкониятини ифодалайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятига нисбатан кадриятли-фикрий муносабатларнинг юқори шакли ўқув-тарбия жараёнида уларнинг ижодий, иродавий қувватлари фаоллашуви билан белгиланади.

Кадриятли-фикрий муносабатларга эга бўлган ўқувчиларнинг ўзаро алоқалар жараёнидаги мавқелари уларнинг фаол ахборот алмашилишлари билан изоҳланади. Диалогик муносабатлар жараёни иштирокчилари орасида нарса ва буюмларни биргаликда таҳлил қилиш амалга ошади. Бундай ахборот алмашилиш шерикларнинг бир-бирларига хатти-ҳаракатларини ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатишлари рўй беради. Психологик таъсир доирасида кузатувчанлик суҳбатдошнинг муносабатини англашга хизмат қилади. Бунда ўқувчи таянадиган кадриятлар ва фикрлар мустақил ривожланиш жараёнида ижодий ўзига хосликнинг шаклланишига имконият яратади.

Таълим олишга бўлган мотивациянинг мавжудлиги ўқувчида мунтазам тарзда ўз-ўзини такомиллаштириш, ҳаётий принциплар намоён қилишда шахсан иштирок этиш имконини беради. Ўқувчиларда шахсий фикр ва ҳаракатларнинг шаклланиши учун қулай шароит вужудга келади. Бу ўринда педагогик жараён иштирокчиларининг ўзларини субъект сифатида намоён қилишлари учун қулай вазият ҳосил бўлади. Ўқувчилар таълимий муносабатларни режалаштириш лаёқатига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг шахсий мустақилликларини таъминлайди. Дарс жараёнида вужудга келтирилган эркин танлов вазиятлари ўқувчиларни кўпроқ




мустақиллик ва хулқ-атвор меъёрларини эгаллашга ундайди. Ўқувчига ўзини эркин ҳис қиладиган жамоавий фаолият жараёни осойишта тарзда ўз фикрларини ўйлаши учун қулай шароит яратади. Шу асосда ўқувчи далилларни излаб топади ва ўз фикрини асослашга муваффақ бўлади. Шунинг учун ҳам кадриятли-фикрий муносабат тажрибасига эга бўлган ўқувчиларда фикрий фаолият кўникмалари осонгина шаклланади.

Бундай ўқувчиларнинг таълим олиш мотивлари ижтимоий характерга эга. Шунинг учун ҳам улар билишга интиладилар, жамият учун фойдали фаолиятни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Ўқув фаолияти мазмуни билан боғлиқ бўлган майллар ўқувчиларнинг янгиликларни билишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Улар шу аснода янги билимларни ўзлаштирадилар, муайян ҳаракатларни амалга оширадилар, ўз вазифаларини сидқидиллик билан бажарадилар, ижодий изланишлар қиладилар. Бундай ўқувчилар учун ўз-ўзини баҳолаш ва юқори даражадаги интилиш характерли бўлиб, улар ўз лаёқатлари, имкониятларини англайдилар. Бу эса уларнинг ўз муваффақиятларига бўлган ишончлари, майлларини мустаҳкамлаб барқарорлаштиради.

Кадриятли-фикрий муносабатлар доирасида амалга ошириладиган педагогик жараёнлар босқичма-босқич ривожланиб боради. Педагогик фаолият учун шаклланишнинг ички кўзғатувчи омилларини ажратиш муҳим ҳисобланади. Таълим олиш мотивациясининг ривожланиши ҳамда уни таъминловчи дидактик шароитлар унинг тараққиётига хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган кучли мотивациясини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи бир қатор ўзига хос омиллар мавжуд (1-расм).



*1-расм. Ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган кучли мотивациясини оширишга йўналтирилган педагогик жараёнларга таъсир этувчи омиллар*

Ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган кучли мотивациясини ошириш учун турли шакл ва мазмунга эга бўлган вазиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳар бир босқичда муайян вазифалар қўйилиб, уларни ечиш усуллари белгилаб





берилиши керак. Шунинг учун ҳам, ҳар бир босқич аниқ изчилликда лойиҳалаштирилади. Бунинг натижасида аксарият ўқувчиларда муайян шахсий сифатлар ҳамда ўқув майллари таркиб топади. Мазкур вазиятларнинг ҳар бири ўзида куйидагиларни мужассамлаштириши керак:

- ахлоқий танловга эга бўлиш;
- ўз ихтиёри ва дунёқараши доирасида мустақил мақсадлар кўйиш ва унга эришиш йўллари белгилаш;
- ечимларни излаш ва қарорлар қабул қилишда яқинларининг ўрнини белгилаш;
- шахсий ютуқларидан завқланиш имкониятига эга бўлиш;
- ўзининг бошқалар учун аҳамиятлилигини ҳис қилиш;
- ўз ютуқларини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмасига эга бўлиш;
- ўзининг олдинги қарашларидан воз кечиш ва янги қадриятларга амал қилиш;
- ўзи ва бошқаларнинг масъулиятини англаб етиш кабилар.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 23 sentyabrdagi "Ta'lim to'g'risida"gi O'RQ-637-son Qonuni. <https://lex.uz>
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. // Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 92 b.
3. Abdullaeva M. O'smirlarni oilaviy hayotga tayyorlashning ijtimoiy-pedagogik shart-sharoitlari (milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari fanini o'qitish misolida): Ped. fan. nom. ... dis. – Toshkent, 2004. – 132 b.
4. Abdullaeva SH.A. O'spirinlarning tarbiyalanganlik darajasini diagnostika qilish va xulqdagi nuqsonlarni korreksiyalashning pedagogik asoslari: Ped. fan. dok. ... dis. avtoref. – Toshkent, 2005. – 31 b.
5. Inomova M.O. Oilada bolalarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasi. – Toshkent: Maxpirat nomidagi O'rta Osiyo xalqlari tarixi instituti, 1999. – 151 b.
6. Ibragimov, D. A. Oila, mahalla va o'quv muassasalarida yoshlar tarbiyasi / D. A. Ibragimov. — Tekst : neposredstvennyy // Texnika. Texnologii. Injeneriya. — 2017. — № 3.1 (5.1). — S. 15-17.
7. Султонова Н.А. Теоретические основы подготовки детей в современных условиях к социальной жизни в семье//SCIENTIFIC PROGRESS 1 (6), 631-635